

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МУБОЛАҒАЛАШГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ-СЕМАНТИК ТУРЛАРИ ТАВСИФИ

Қорабоев Жасурбек Боходирович

Андижон давлат Педагогика институти, ф.ф.ф.д(PhD)доцент

Аннотация:Мақола тилшуносликда фразеологик бирликнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб унда инглиз ва ўзбек тилларида фразеологик бирликнинг ўрни ҳамда ахборот етказишдаги роли ва уларнинг структур-семантик хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар:Фразеологик бирлик, эквивалентлик, экспрессив, когнитив, эмосема.

Аннотация:Статья посвящена анализу уникальных особенностей фразеологизма в лингвистике, выделены место и роль фразеологизма в английском и узбекском языках, их роль в передаче информации и их структурно-семантические особенности.

Ключевые слова:Фразеологизм, эквивалентность, экспрессивная, когнитивная, эмосема.

Қиёсланаётган тиллардаги фразеологик бирикмалар тузилишидаги структурал фарқлар турли тилларда сўз бирикмаларини яратишдаги структурал-грамматик мавжудлиги билан изоҳланади ва ўз навбатида фразеологик вариантларнинг турли тиллар ўртасидаги муқоясасида кўплаб турларга ажратилишига сабаб бўлади.

Муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликларнинг фразеологик аналоглари деганда биз бошланғич фразеологик бирликларга маъно ва стилистик йўналганликда тўғри келадиган, аммо мажозий ифода жиҳатдан фарқ қиладиган фразеологик бирликларни назарда тутамиз.

Фразеологик бирикмалар турли тилларда бир-бирларидан кескин фарқ қилишлари ёки фразеологик бирликлар ифодасининг ички шакли билан нисбий ўхшашлигига эга бўлишлари ҳам мумкин. Бу ҳодиса қиёсланаётган фразеологизмларни бир синфга тааллуқли эканлигида яққол сезилади. (субстантив, феълли бирикмалар, сўз бирикмалари, гаплар). Инглиз ва рус фразеологик бирликларининг қиёсий ўрганилишига бағишланган бир қатор диссертациялари (А.Р.Залялеева, М.Э.Игнатъеваларнинг ишларини кўринг) учта асосий гуруҳни ажратиб кўрсатганлар.[Залялеева 2003; Игнатъева 2004].

Биринчи гуруҳга олимлар таркибий ва грамматик қурилиши жиҳатдан ўхшашликларга эга фразеологик муқобилларни ва фразеологик бирликларнинг таркибий тузилишидаги битта ўхшаш лексема мавжуд бирикмаларни киритадилар.

Иккинчи гуруҳга таркиби ва грамматик структураси, турли хил таркибий қисмларнинг нисбий ўхшашлиги мавжуд бўлган фразеологик аналоглар киритилади.

Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологиясидаги энг муҳим фарқли жиҳатлардан бири бу инглиз тилидаги муболағали фразеологик бирликларнинг полисемантик табиати жуда чекланганлигидир.

Инглиз тилидан фарқли равишда ўзбек тилидаги муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликлардаги кўп маънолик кенг тарқалган бўлиб, бирикмаларнинг янги маъноларини яратиш ва луғат таркибининг кенгайишида энг самарали усул ҳисобланади. Бу борада фразеологик бирликлар лексик бирликлардан деярли фарқ қилмайдилар. Биттадан ортиқ маънони англата олиш тил бирликларига хос хусусият бўлиб, ибораларнинг ҳам талай қисмида учрайди. Полисемантик ибораларнинг кўпи икки маъноли; уч маъноли иборалар анчагина; тўрт, беш маъноли иборалар ҳам учрайди. Масалан, бош(и)га қилич келса ибораси битта маънони, ақл(и) етади ибораси иккита маънони, бўйн(и)га қўймоқ ибораси уч маънони; қўлга олмоқ ибораси эса тўрт маънони англатиши тадқиқотчилар томонидан аниқланган.

Фразеологик полисемияда ҳам, худди лексик полисемияда бўлганидек, бош маъно ва ясама (ҳосила) маъно фарқ қилинади. Лексик полисемияда бош маъно тўғри маънога, ҳосила маъно эса кўчма маънога тенг; фразеологик полисемияда, бундан фарқли равишда, бош маъно ҳам кўчма (образли) маъно ҳисобланади. Ваҳоланки, ҳар қандай фразеологик маъно устама ёки кўчма маъно сифатида талкин қилиниб, одатда образли ифодалар билан акс эттирилади.

Кўп маъноли иборада унинг маънолари асосан бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлади. Баъзи ибораларнинг маънолари бири иккинчиси учун асос вазифасини ўтамайди, ҳар бири ўзича шаклланган бўлади, воқеликдан ҳар гал ҳар хил образ олиш асосида турилади. Масалан, икки қўл(и)ни бурн(и)га тиқиб ибораси икки маъноли: 1) “қуруқдан-қуруқ, эвазига ҳеч нарса ололмай», 2) «бекорчи бўлиб, бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмай». Бу маънолар ўзаро боғланмайди, чунки асосида ҳар хил образ, бошқа-бошқа воқелик ётади: биринчисида банд қўл билан бориб (нимадир олиб бориб), бўш билан қайтиш, иккинчисида эса қўлни бирор юмуш билан банд қилмаслик.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликларнинг янги шаклланган маънолари ҳар доим ҳам муболаға семантикасини акс эттирмаслиги ёки фразеологик эмас балки лексик бирикма табиатини намоён қилишлари кузатилади. Бу биринчи навбатда янги ажралиб чиққан ҳосила қай бир тил бирлиги асосидан шаклланганлигига боғлиқ бўлади.

Фразеологик маъноларнинг бир-биридан ўсиб чиқмаганлигини баъзан ибора таркибидаги сўз-компонентларнинг бошқа-бошқа лексик маънода қатнашуви билан изоҳлаш мумкин. Масалан, ҳаёлига келмоқ ибораси икки маъноли: 1) «ўйланмоқ, идрок қилмоқ, фаҳмламоқ», 2) «хотирасида тикланмоқ». Бу ибора таркибидаги ҳаёл сўзи биринчи фразеологик маънода «ўй, фикр» маъноси билан, иккинчи фразеологии маънода эса «хотира» маъноси билан қатнашган.

Фразеологик бирикмалар ва лексик бирликлар ўртасидаги бу каби ўрин алмашувлар айниқса тиллараро корреспонденция жараёнида кўп кузатилади. Бир тилда муболағалашган фразеологик бирликнинг бошқа тилдаги энг муқобил варианты фразеологик эмас, синтактик бирликка мос келиши мумкин. Масалан инглиз тилидаги “back on her feet(яна оёққа қайтмоқ)” “going under the knife(пичоқ остига бормоқ)” фразеологизмлари мазмунини энг тўлиқ ҳолда ифода қилувчи “оёққа турмоқ” ва “ёрдирмоқ(жарроҳлик йўли билан)” бирликлар синтактик иборалар бўлиб, ўз навбатида мазмунларидаги муболаға ва кучайтириш маъноларини ҳам йўқотганлар.

My mother is **back on her feet** after being sick for two weeks.-Онам бир икки ҳафта бетоб ётгандан кейин яна оёққа турди.

I’m **going under the knife** next month to try to solve my knee problems. Hope it helps!- Келаси ой оғриётган оёғимни ёрдираман, кейин оғримай қўйса керак. Худди шундай ҳолатларни яна “threw in the towel(сочикни отмоқ)”-“мағлубиятни тан олмоқ” ва “carry the day” – “фойда қилмоқ, фойдаси бўлмоқ” каби муболағалашган бирикмаларда кузатишимиз мумкин. After losing his queen, the chess player **threw in the towel** (give up) and resigned. Teamwork and training will **carry the day** (successful).

Муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликлар таржимасида қўлланиладиган бу каби алмаштиришлар бирикма мазмуни ва коннотатив маъноларини тўлиқ сақлаб қолсаларда, улардаги эмоционал-экспрессив ифодалар ва когнитив хусусиятларни йўқотади. Шунга қарамай, бу каби ўзгартиришлар контекст таркибидаги семантик ифодаларни акс эттиришда энг самарали усул сифатида олимлар томонидан тан олинади.

Фразеологик аналогларнинг учинчи гуруҳига турли таркибий компонентлардан ташкил топган ва тилларнинг грамматик тузилиши турлича бўлганлиги туфайли бир-бирларидан структурал-грамматик томонларида кескин фарқланувчи фразеологик бирикмалар киритилади.

Қуйида инглиз ва ўзбек тилларида муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликларнинг фразеологик ўхшашликлари (аналогия)га мансуб мисолларни кўриб чиқамиз.

Инглиз тилидаги “to make a mountain out of mole hill(сўзма-сўз: тепаликдан тоғ ясамоқ)” ва ўзбек тилидаги “пашшадан фил ясамоқ” фразеологизмлари – бу муболағалашган семантикани

ифодаловчи фразеологик бирликлар бўлиб, улар маълум бир тил фразеологик бирликларининг карама-қарши таркибий қисмлари мантиқсизлиги асосланган бўлади. Фразеологик бирликлар семантик ва экспрессив жиҳатларига кўра ўхшаш бўлсаларда, аммо уларнинг таркибий грамматик тузилиши бир хил эмас: инглизча фразеологик бирликлар – “**v+n+prep+prep+n**” ва ўзбекча фразеологик бирликлар – “**n+case inf+n+v**” шаклида тузилган. Бу ерда иккала фразеологик бирликлар таркибидаги ягона бирлаштирувчи лексема бўлиб, “make – қилмоқ” ҳисобланади.

Инглиз тилидаги “to go through the mill (сўзма-сўз: тегирмондан ўтмоқ)” муболағалашган фразеологик бирлиги ўзбек тилидаги “қаттиқ мактабни ўтамоқ” фразеологик қўлланилишида семантик ўхшашликка эгадирлар.

Инглиз тилидаги фразеологик бирлик ҳам, унинг аналоги ҳам феъл бирикмалари синфига тегишли бўлиб, нисбатан ўхшаш структура (тузилма) ва грамматик тузилиш билан ажралиб туради: инглизча фразеологик бирликлар – “**v+prep+n**” ва ўзбекча фразеологик бирликлар – “**adj+n+v**”. компонентли таркибда go to through - ўтиш ўхшаш лексемаси мавжуддир. Шубҳасиз, образлилик нуқтаи назаридан асл фразеологик бирлик ва унинг аналоги ўртасида аниқ тафовут мавжуд.

Агар инглиз фразеологик бирикмасининг маъноси муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликларга асосланган бўлса, у ҳолда ўзбек аналогида муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликлар белгиси бутунлай йўқолади.

Инглиз тилидаги “to look through a millstone (сўзма-сўз: тегирмон тоши орқали кўрмоқ)” фразеологик бирикмасининг ўзбек тилидаги “девор бўлса ҳам кўчани кўрмоқ” аналогига эга бўлиб, улар феълли бирикмалар ҳисобланади. Инглиз фразеологик бирикларининг структур ва грамматик ташкиллаштирилиши (**v+prep+n**) ўзбек фразеологик бирликларининг тузилишидан фарқ қилади (**n+v+n+ case suf+v**). Иккала фразеологик бирликлар ҳам бир хил маънога эга, аммо образлар нуқтаи назаридан номувофиқлик билан ажралиб туради. Иккала фразеологик таркибий қисмнинг таркибий тузилишига look through (ниманидир ер остидан кўрмоқ) ва кўрмоқ ўхшаш лексемаси қиради. Кўриб чиқиладиган фразеологик бирликлар муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликлар устига қурилган бўлиб, бу одамнинг кўриш қобилятини бўрттириб кўрсатиб турибди.

Қуйидаги мисолларда кўриб чиқиладиган фразеологик бирликлар ва уларнинг аналоглари (ўхшашлари) таркибий-грамматик ташкиллаштириш ва турли хил таркибий қисмларнинг нисбий ўхшашлиги билан тавсифланади.

Инглиз тилидаги “to move heaven and earth (сўзма-сўз: ер ва осмонни силжитиш)” ва “жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқ, ўлиб-тирилиб уринмоқ” фразеологик бирликлари бир хил мазмунга эга бўлади – “барча имкониятларни ишга солмоқ, кучи борича ҳаракат қилиш, барча имкониятларни ишга солиш, ҳеч нарса олдида тўхтаб қолмаслик”, таркибий қисмларнинг тафовути билан ажралиб турадиган мажозий компонентларни танлашда фарқланади. Кўриб чиқиладиган фразеологик бирликларнинг структур-грамматик ташкиллаштиришдаги нисбий ўхшашлиги уларнинг бир синфга – феълли бирикма синфига таалуқлилиги орқали намоён бўлади.

Таркибий тузилиш ва таркибий-грамматик ташкиллаштирилишидаги фарқлар (яъни турли синфларга таалуқли бўлиш) инглиз фразеологик бирликларининг қуйидаги мисолларида ўз аксини топган: have a green thumb (сўзма-сўз: “яшил рангли катта бармоққа эга бўлмоқ”) – олтин қўллар; have one’s heart in one’s boots (сўзма-сўз: ботинкаларда юракка эга бўлиш) – юраги товонига тушмоқ; have nothing between one’s ears (сўзма-сўз: қулоқлари ўртасида ҳеч нарсага эга бўлмаслик) - эшакдай бефаросат; one’s fingers are all thumbs (сўзма-сўз: унинг барча бармоқлари катта бўлмоқ) – бесўнақай қўллар, бесўнақай одам; wear one’s heart upon one’s sleeve (сўзма-сўз: ўз юрагини енгининг тепасида олиб юриш) – кўнгли очик бўлмоқ, бир коп ёнғоқ бўлмоқ.

Ушбу диссертацияда таҳлил қилинган материаллар фразеологик бирикмаларнинг тилдан-тилга таржималари уларнинг семантик жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда бошқа тилдаги муқобиллари

ёки қисман бўлсада мос келувчи фразеологик бирикмалар воситасида амалга оширилиши лозимлигини исботлаб берди.

Қиёсланаётган тиллар фразеологик бирикларининг турли мажозий маъноларини танлаш одатда экстралингвистик омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Шу сабабли фразеологик бирикмаларнинг этимологиясини ўрганиш бугунги кундаги долзарб мавзулардан бири айланиб, алоҳида тадқиқотларни талаб қилмоқда. Чунончи “ахлоқ меъёрлари тушунчаси, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ғоялари, ақлнинг устувор эканлиги, борлиқ ва табиатни кузатиш орқали шаклланган эмперик билимлар деярли барча тилларда айнан бир хил”дир [Тимошенко 1897].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авалиани Ю.Ю. К семантическим основам фразеологии специальных сфер / Ю.Ю. Авалиани, Л.И. Ройзензон // Выпуск 2. - Новгород: 1972.
2. Бабенко Л.Г. Функционально-семантический класс глаголов эмоциональной деятельности / Л.Г. Бабенко // Лексико-семантические группы современного русского языка: сб. науч. тр. - Новосибирск, 1985. - С. 41-48.
3. Байрамова Л.К. Введение в контрастивную лингвистику: Учеб.пособие для студентов вузов, обуч. по напр, и спец. «Лингвистика» / Л.К. Байрамова. - Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1994. - 119 с.
4. Балли Ш. Французская стилистика. - М.: Изд-во иностранной литературы, 1961.-394 с.
5. Колшанский Г.В. Контекстная семантика / Г.В. Колшанский. - М.: Наука,1980, ст- 148.
6. Кунин А. В. Основные понятия стилистики в области фразеологии / А.В. Кунин // Структура лингвостилистики и ее основные категории: сб. науч. тр. - Пермь, 1983. - С.44-49.
7. Кунин А.В. О фразеологической дефиниции / А.В. Кунин // Вопросы английской фразеологии (коммуникативный и фразеографический аспекты): Сб. науч. тр. - М., 1987. - Вып. 287. — С. 109-118.
8. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
9. Телия В.Н. Что такое фразеология / В.Н. Телия. - М.: Изд-во «Наука», 1966. Ст-85 с.
10. Умарходжаев М.И. Основы фразеографии: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – М, 1983. – 132 с.
11. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011.
12. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. /Н.Н. Амосова. - Ленинград, 1962. - 27 с.
13. Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1972.